



ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари фармацевтика инсон саломатлиги, аҳоли ҳаёт сифати ва мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлиги билан бевосита боғлиқ стратегик соҳа эканини таъкидлади.

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилгани қайд этилди. Жумладан, ўтган тўққиз йилда тармоққа 1 миллиард 800 миллион доллар инвестиция киритилиб, 140 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 дан ортиқ фармацевтика корхоналари фаолият юритмоқда, уларнинг 58 таси тўридан-тўри дори воситалари ишлаб чиқаради.

Натижада фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 баробар ўсиб, 7 триллион 300 миллиард сўмдан ошди. Маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқариш эса 2 қарра кўпайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари 55 та давлат бозорига етказилмоқда. Тармоқдаги иш ўринларининг сони эса 40 мinggaдан ошди.

Умуман олганда, мамлакатимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар бозори ҳажми қарийб 2,5 миллиард долларга етган.

Мутасаддилар олдида жорий йилда фармацевтика соҳасига қандайдир 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, сифатини ошириш ва хорижий фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали ички истеъмолдаги маҳаллий дорилар улушини 2030 йилгача 70 фоизга етказиш ҳамда келгуси беш йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга олиб чиқиш вазифалари қўйилди.

Республикада 136 гектар майдонда 5 та фармацевтика sanoat зонаси ташкил этилган бўлиб, улар учун барча зарур инфратузилма яратилган. Бироқ айрим ҳудудларда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Жумладан, 25 гектар майдонни эгаллаган Жиззах фармацевтика зонасида ўтган йили бир сўмлик ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бўстонлик туманидаги 14 гектар ер майдони эса 2017 йилдан бери бўш турибди. Шунингдек, ўтган йили Жиззах ва Самарқанд вилоятларида бирорта ҳам фармацевтика лойиҳаси ишга туширилмагани, Бухоро ва Хоразмда эса ин-

вестиция лойиҳалари жуда камлиги танқид қилинди.

Йиғилишда фармацевтика соҳаси тадбиркорлари томонидан билдирилган таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, фармацевтика зоналари мавжуд бўлмаган ҳудудлардаги корхоналарга ҳам мазкур зоналар учун белгиланган солиқ имтиёзларини қўллаш масаласи кўтарилди.

Президентимиз мазкур таклифни қўллаб-қувватлади ва фармацевтика корхоналари учун қатор янги имкониятларни эълон қилди.

Жумладан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб фармацевтика воситаларини ишлаб чиқариш, доривор ўсимликларни етштириш ва қайта ишлаш бўйича янги лойиҳалар уч йил муддатга ер солигидан озод қилинади. Лойиҳа ишга тушганидан кейин уч йил давомида фойда ва мол-мулк солиғи ҳам ундирилмайди.

Шунингдек, энг кўп импорт қилинаётган ва косметика воситалари ишлаб чиқарувчилар учун хомашё, ускуна ҳамда бутловчи қисмлар импорти бозлардан озод қилинади. Фармацевтика корхоналарига ўзининг линиясида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга рухсат берилди.

Эндиликда ҳар йили 1 июлга қадар маҳаллийлаштириш мақсада мувофиқ бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати тадбиркорларга эълон қилиб берилади. Ушбу рўйхатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар учун тадбиркорларга хорижий валютада 7 фоизли кредитлар ажратилади.

Мавжуд маҳсулотлар бўйича маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни режалаштирган корхоналарга Sanoat кооперацияси жамғармасидан 10 йилгача муддатга хорижий валютада 6 фоизли, миллий валютада эса 12 фоизли кредитлар тақдим этилади.

Йиғилишда хорижий фармацевтика компанияларини мамлакатимизга жалб қилиш, улар билан технологиялар трансферини йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Импорт қилинаётган дори воситаларининг қарийб ярми 34 та хорижий ишлаб чиқарувчи ҳиссасига тўғри келади. Шу муносабат билан уларнинг ишлаб чиқаришини Ўзбекистонда ташкил этишни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди. Импорт билан шуғулланувчи йирик корхоналарга ҳам ижтимоий масъулиятни кучайтириб,

брендли дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ташаббус кўрсатиш тавсия этилди.

Бу жараёни рағбатлантириш мақсадида корхоналар брендлардан фойдаланиш учун тўлайдиган роялтидан солиқ 20 фоиздан 5 фоизга туширилади.

Оригинал дори воситаси яратилганидан 20 — 25 йил ўтгач, бошқа фармацевтика корхоналари ҳам уни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай дори воситаларини ўзлаштириш ички бозорда нархларни бир неча баробар арзонлаштириш имконини беради.

Шу муносабат билан талаб юқори бўлган бундай препаратларни бир йил ичида ўзлаштирган корхоналарга технология трансфери харажатларининг ярми Фармацевтика жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Шунингдек, энг кўп импорт қилинаётган 100 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида "Тошкент фарма парк" ҳудуди яна 100 гектарга кенгайтирилади.

Йиғилишда фармацевтика маҳсулотлари экспорти масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда тармоқ экспорти 220 миллион долларга етган бўлса-да, унинг атиги 14 миллион доллар дори воситалари ҳиссасига тўғри келади.

Шу муносабат билан корхоналарни халқаро стандартларга мослаштириш муҳимлиги таъкидланди. Ҳозирда 58 та дори ишлаб чиқарувчи корхона миллий "GMP" сертификатига эга. Энди уларни Европа "GMP" стандартларига мослаштириш зарурлиги қайд этилди.

1 июндан бошлаб маҳаллий корхоналарнинг "ЕвроGMP" сертификати олиш харажатларининг 50 фоизи Savdoga кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Йиғилишда давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилишича, маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоизга етмагани сабабли айрим корхоналар давлат корхоналарига маҳсулот сотиш имкониятига эга эмас.

Шу муносабат билан 1 сентябргача маҳаллий маҳсулот сертификатига эга тадбиркорларга маҳаллийлаштириш даражасидан қатъи назар, давлат харидларида иштирок этишга рухсат берилиши белгиланди.

Қайд этилишича, ўтган йили мамлакатимизда 57 мингдан ортиқ номдаги рўйхатдан ўтмаган ва контрафакт дори воситалари аниқланган.

Шу боис дориларнинг ноқонуний савдосига қарши курашни кучайтириш, сифати шубҳали маҳсулотлар айланмаси учун жавобгарликни кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узилишни бартараф этиш масаласи ҳам кўтарилди.

Бугунги кунда фармацевтика соҳасидаги 6 та илмий-тадқиқот институтида 300 дан ортиқ олимлар фаолият юритмоқда, олий таълим муассасалари эса ҳар йили қарийб 1 миң нафар мутахассис тайёрлайди. Бироқ илмий ишланмаларни sanoatга жорий этиш етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Шу муносабат билан кимё-фармацевтика, вакцина ва зардоблар ҳамда Шарқ табиоти институтлари негизда Миллий биофармацевтика илмий-тадқиқот институти ташкил этилади. У "Тошкент фарма парк" ҳудудида жойлаштирилиб, илмий тадқиқотларни бевосита ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш имконияти яратилади.

Парк ҳудудида клиниколди тадқиқотлар лабораторияси, биологик ва кимёвий тадқиқотлар марказлари ҳамда 250 ўринли халқаро клиник тадқиқотлар маркази ташкил этилади.

Шунингдек, Тошкент фармацевтика институти ва Фармацевтика техника университети профессор-ўқитувчилари ўз илмий фаолиятини фарманпарк ҳудудида олиб боради. Талабалар эса корхоналарда дуал таълим асосида ўқиб, ишлаш имкониятига эга бўлади.

Янги дори воситаларини ишлаб чиқаришга жалб қилинган олимлар иштирокидаги лойиҳалар учун корхоналарнинг 100 миң долларгача харажатлари қоплаб берилди. Маҳаллий олимлар яратган янги препаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга эса уларни рўйхатдан ўтказиш ва клиник синовлар учун 100 миллион сўмгача субсидия ажратилади.

Йиғилишда фармацевтика корхоналари вакилларининг таклифлари ва ташаббуслари эшитилди, мутасаддиларнинг ҳисоботлари тинланди.

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган йирик лойиҳалар доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида янги замонавий автомагистраль қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Режага кўра, ушбу йўлнинг умумий узунлиги 282 километри ташкил этади. Шундан 140 километр участкаларда туپроқни мустақамлаш ишлари амалга оширилади. Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 91 кўприк ва 16 та йўлўтказгич қурилиши кўзда тутилган.

Беш йил давомида қурилиши режалаштирилаётган мазкур йўл I-а тоифали, яъни автомобиль йўларининг энг юқори техник ва ҳавфсизлик стандартларига жавоб берадиган магистраль бўлади. Унда ҳар бири 3,75 метр кенгликдаги цемент-бетон қопламали олти харажат тасмаси барпо этилади. Йўлнинг лойиҳавий тезлиги соатига 150 километр қилиб белгиланади.

Шунингдек, Тошкент — Ангрэн — Қамчиқ домини йўналишида 171 километрлик муқобил автомобиль йўли барпо қилиш лойиҳаси ҳам амалга оширилади. Ушбу йўлда 33 километрлик тоннеллар ҳамда бир қатор йирик муҳандислик иншоотларининг қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур йирик лойиҳалар учун ишлаб чиқилаётган молиялаштириш манбалари ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган музокара ҳақида ахборот берилди.

Автомагистраларни лойиҳалашда замонавий транс-

порт муҳандислиги ечимларидан фойдаланиш, интеллектуал бошқарув ва мониторинг тизимларини жорий этиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тақдимотда Тошкент — Чорвоқ ва Урганч — Хива йўллари қуриш лойиҳаларининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, Тошкентнинг янги халқаро аэропорти қуриш лойиҳасининг асосий параметрлари кўриб чиқилди. Биринчи босқичда 208,4 миң квадрат метрлик йўловчи терминали, узунлиги 4 километрдан бўлган иккита учиб-қўниш йўлагини барпо этиш режалаштирилган. Шу қопламали олти харажат тасмаси барпо этилади. Йўлнинг лойиҳавий тезлиги соатига 150 километр қилиб белгиланади.

Шунингдек, Тошкент — Ангрэн — Қамчиқ домини йўналишида 171 километрлик муқобил автомобиль йўли барпо қилиш лойиҳаси ҳам амалга оширилади. Ушбу йўлда 33 километрлик тоннеллар ҳамда бир қатор йирик муҳандислик иншоотларининг қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур йирик лойиҳалар учун ишлаб чиқилаётган молиялаштириш манбалари ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган музокара ҳақида ахборот берилди.

Автомагистраларни лойиҳалашда замонавий транс-

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон ҳудудига учувчисиз учиб аппаратлари билан юшотирилган ҳужумларни кескин қоралаб, жароҳат олганларнинг тез фурсатда соғайиб кетишини тилади.

Сўнгги кунларда Яқин Шарқ минтақасида қузатилаётган кескинликнинг авж олиши қўллаб-қувватловчи қурбон бўлишига олиб келаётгани ва жиддий хавотир уйғотаётгани алоҳида қайд этилди.

Муборак Рамазон ойида рўй бераётган бундай воқеалар умуминсоний қадриятларга, халқаро нормалар ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилларига зид экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси фуқароларимизни Эрондан Озарбайжон ҳудуди орқали ҳавфсиз эвакуация қилиш бўйича қўриқилган чоралар ва яратилаётган шароитлар учун Илҳом Алиевга миннатдорлик билдирди.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига дўстона сўхбат ва синовли дамларда кўрсатилган қўллаб-қувватлов учун алоҳида ташаккур изҳор этди.

ЎзА.

МАЪНАВИЯТ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ЗУҲРО ЮЛДУЗИ»

Шу кунларда Қоҳира шаҳридаги "Ал-Вефак" ("Dar al-Wefaq Publishing & Distribution") нашриётида ироқлик адиб Аҳмад Жасим Зубайдийнинг "Маънавият — Янги Ўзбекистоннинг Зуҳро юлдузи. Ислом — инсонийлик, билим ва маърифат фалсафаси" номли китоби нашрдан чиқди.

Эътироф

Ёзувчининг мазкур асар мазмун-моҳиятига бағишланган "Маънавият — Янги Ўзбекистоннинг Зуҳро юлдузи" номли махсус мақоласи бирин-кетин араб дунёсининг етакчи медиаплатформалари — Ироқнинг "Саут ал-Ирак", Мисрнинг "Ал-Юм ас-Сабеа", Жазоирнинг

"Ал-Қайд ньюс" газеталарида, шунингдек, араб тилидаги қатор ижтимоий саҳифаларда эълон қилинди.

Мақолада қайд этилишича, мазкур асар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарварлик, маънавий, илмий-маърифий соҳада олиб бораётган сиёсатининг туб моҳияти ва фалсафасига бағишланган.

3

Сенат кўмитасида

МУҲИМ, ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенаторлар, кўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбар ходимлари, олий таълим муассасалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда Олий Мажлис Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан рия

этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2025 йилда Болалар оғиб-қолган номига келиб тушган мурожаатлар сони сезиларли ошган бўлиб, уларнинг 26,3 фоизи ижобий ҳал этилган, 36,6 фоизи бўйича ҳуқуқни тушунтиришлар берилган ва 29,6 фоизи тегишли идораларга юборилган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан Солиқ кўмитасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошираётган ишлари ва кўмита раҳбариятининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан ахбороти эшитилди.

Унда Президентимизнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида берган топшириқлари ижроси юзасидан Солиқ кўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кўмита томонидан

соддалаштирилган тартибда қўшилган қиймат солиғини қоплашда "яшил" йўлак тартибда хизмат кўрсатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, кўрсатилган хизматларга қараб тизим ходимларини онлайн баҳолаш амалиёти жорий қилинган.



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР



Айни пайтда юртимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Байрам арафасида Президентимиз фармонларига кўра, бир гуруҳ хотин-қизларнинг турли давлат мукофотларига лойиқ қўрилгани шодиёна шуқуқини янада оширди. Бу юртимизда хотин-қизлар қадри нечоғли баянд эканининг яққол исботидир.

Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратди. Дарҳақиқат, оналаримиз — ҳаёт бардавомлигини таъминловчи улғу зот, хонадонларимиз файзи, миллий ўзлигимиз ва тиллимизнинг чинакам посбонлари.

Сана муносабати билан юртдошларимизнинг айримларидан энг сара табриқлар, фикр-мулоҳазалар, дил изҳорларини ёзиб олдик.

4-саҳифага қаранг.

МУҲИМ, ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Сенаторлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мурожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш, назорат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тавсияларини билдирди.

Шунингдек, мажлисда Сенат кўриб чиқиши учун келиб тушган "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, амалдаги қонун қарийб 20 йил аввал қабул қилинган сабабли бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берайди. Янги ҳужжат автомобиль йўллари ин-

фратузилмасини ривожлантириш, транспорт соҳасида ахборот тизимларини интеграциялаш, тирбандликни камайитириш ва инвестицияларни жалб қилиш каби масалаларни ҳам тартибга солиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, "Кўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокамага тортилди.

Мувофиқлик, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш ва кўриқлаш тизимини замонавийлаштириш мақсу-дларининг асосий мақсади экани таъкидланди. Сенаторлар кўриқлаш тизимининг самарадорлигини ошириш, профилактика чораларини кучайтириш ва воқолатларни аниқлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АЁЛ СУДЬЯЛАРНИНГ АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



10 март — Халқаро аёл судьялар куни муносабати билан "Одил судловни амалга оширишда аёл судьялар ўрни" мавзuida конференция бўлиб ўтди.

Конференция

Тадбирда сенаторлар, суд-ҳуқуқ тизими вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган аёл судьялар қатнашди.

Мақсуд байрам 2021 йил 28 апрель куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция асосида таъ-сис этилган бўлиб, аёл судьяларнинг адолатни таъминлашдаги ўрнини халқаро миқёсда эътироф

қилиш раъзи ҳисобланади. Конференцияда суд-ҳуқуқ тизимида гендер тенгликни таъминлаш, аёл судьяларнинг касбий салоҳиятини ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясида мувозанатли ёндашушни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда суд соҳасини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда судьялар кор-

пусида аёллар улуши изчил ортиб бормоқда, улар раҳбарлик лавозимларида ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўзбиддин Бурҳонов ўз сўзида Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш устувор вазифа эканини таъкидлаб, суд тизимида гендер мувозанатини мустаҳкамлаш адолат сифатини ошириш, жамият ишончини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳизмат қилишини қайд этди.

Конференцияда Хитой, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон

давлатларидан ташриф буюрган мутахассислар қатнашиб, илгор халқаро тажриба, суд амалиётида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер зўравонлик билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда махсус ёндашув масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тадбир доирасида мамлакатимизда илк бор ташкил этилган Ўзбекистон аёл судьялар ассоциацияси фаолиятига ҳам алоҳида ургу берилди. Маъқур тузилма фаолияти аёл судьяларнинг касбий малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва суд амалиётидаги қаратилган таъкидланди.

«Халқ сўзи».


РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ МОҲИЯТ

Президентимизнинг Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва келгуси устувор вазифалар юзасидан ўтказган йилгилиги ҳудудни яқин йилларда "янги иқтисодиёт" тамойиллари асосида қайта форматлашга қаратилган стратегик сигнал бўлди, десак, хато эмас.

Муносабат

Унда сўнгги йилларда вилоятнинг қишлоқ ҳўжалигига боғлиқ қолган иқтисодий модели аста-секин ўзгариб, саноат ва хизматлар улуши кенгайгани таъкидланди. Иқтисодиёт тармоқлари қанчалик диверсификация қилинса, шўнчалик барқарор ўсиши ва иш ўринлари манбаи шаклланиши эса исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Энг эътиборли жиҳати — рақамлар ортида турган мазмун. Ялли ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли жон бошига тўри келадиган кўрсаткичлар ошгани, саноатнинг нисбатан юқори сўрьатларда ривожланаётгани Сирдарёда ишлаб чиқариш маданияти ва тадбиркорлик муҳити мустаҳкамланаётганидан дарак беради. Авваллари "агро"га қарам бўлган ҳудуднинг саноат ва сервисга юзланиши ёшлар бандлиги, миграция босими камайиши, шаҳарсозлик ва инфратузилмага талабнинг ошиши, дегани.



айнан шу "тез ўсиш механизми"ни ишга туширишга қаратилган. Бирок бу жараёнда фақат объект куриш эмас, балки лойиҳа атрофида "таъминот занжири"ни ҳам шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга: хомашё, логистика, сервис, кадрлар, сертификатлаш — буларсиз инвесторнинг лойиҳаси узок яшамайди.

Шу нўқтада Жанубий Корея, Япония, Малайзия ва Франция каби мамлакатлар билан шакллантирилаётган инвестиция пакетлари Сирдарёни глобал иқтисодий алоқалар харитасига "тиркаш" имконини беради. Айниқса, дата-марказ, инкубация ва акселерация марказлари каби ташаббуслар вилоятни фақат ишлаб чиқариш эмас, балки технологиялар ва хизматлар ривожланган ҳудудга айлантириш амбициясини кўрсатади.

Сирдарёда кўтарилган устувор вазифалар вилоятни янги босқичга олиб чиқиши мумкин: инвестиция оқими — саноат қуввати — сервис экотизими училиги тўлиқ ишласа, ҳудуд нафақат иқтисодий ўсишда, балки ижтимоий фаровонлиқда ҳам намунага айланиш эҳтимоли юқори.

Покиза АҲМЕДЖАНОВА, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАДБИРКОРЛАР ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан маҳаллий такси агрегаторлари ва такси хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан учрашув ўтказилди.

Очiq парламент

Депутатлар, Транспорт вазирлиги масўуллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашган ушбу тадбирда таъкидланганидек, такси хизматлари соҳаси аҳолига қулай ва тезкор транспорт хизмати кўрсатиш билан бирга, минглаб фуқароларни даромад манбаи билан таъминлаётган муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ушбу соҳанинг барқарор ривожланиши шаҳар ва ҳудудларда ҳаракатланиш инфратузилмасини яхшилаш, хизматлар сифатини оширишга туртки беради.

Маҳаллий такси агрегаторлари томонидан рақамли платформаларни жорий этиш, онлайн буюртма қабул қилиш, электрон тўлов тизимларини интеграциялаш ва хизмат сифатини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бозорда шаффофликни таъминлаш, нақд пул айланмасини қисқартириш ва расмий бандликни оширишга йўл очмоқда.

Мулоқот чоғида 2026 йилги Давлат дастурида электромобилда такси хизматини кўрсатувчи фуқаролар учун қатор имтиёзлар жорий этилиши белгилангани айтилди. Хусусан, ижтимоий солиқ бўйича белгиланган тўловларда 10 фоизгача чегирма бериш, давлат таъминотларига тегишли автотураргоҳлардан қисқа муддатли бепул фойдаланиш имкониятини яратиш, узок муддат давомида қондаларга роял қилган ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаган ҳайдовчиларни

рағбатлантириш чоралари назарда тутилган.

Учрашув давомида маҳаллий такси агрегаторлари ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар фаолиятига алоҳида ургу берилди. Депутатлар томонидан уларнинг рақамли инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш, соҳада тенг рақобат муҳитини таъминлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Депутатлар билан учрашув биз, тадбиркорлар учун жуда самарали бўлди. Халқ вакилларига амалиётимиздан келиб чиққан ҳолда, соҳани янада ривожлантириш бўйича ўз тақлифларимизни бердик, — деди тадбиркор Мўхаммадбўр Эшонхоннов. — Қайд этиш жоизки, ушбу мулоқот нафақат муаммоларни очик муҳокама қилиш, балки улар юзасидан реал ечимлар бўйича фикр алмашишга имкон берди.

Яқунда маҳаллий такси агрегаторлари ва такси хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг тақлифлари бўйича келгусида амалга оширилаётган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Шунингдек, соҳани рақамлаштириш босқисида коррупцион омилларни автоматик аниқлайдиган мезонлар асосида баҳолаш имкониятини бевурич "Коррупциявий хавфларни бошқариш" ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Халқ вакиллари тадбиркорлар зиммасидаги солиқларни ҳисоблаш тизимини рақамлаштириш орқали бу жараёнда инсон омиллини қисқартириш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди. Шунингдек, Солиқ қўмитаси томонидан "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш бўйича бозорлар ва савдо комплексларида хатлов ўтказилиб, қўшимча захиралар аниқланиши юзасидан тақлифлар билдирилди.

Муҳокама жараёнида солиқ тизимида ўз ечимини кутаётган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, қўшилган қиймат солигининг салбий фарқини қайтариш тизимида қонсувчига коррупциявий хавфлар сақланиб қолганлиги депутатларни хавотирга солаётгани айтилди.

Эшитишда депутатлар Солиқ қўмитасига коррупцияга қарши курашиш босқисида ишларни изчил давом эттириш, "яширин иқтисодиёт" улушини камайитириш, соҳада коррупциявий омиллар юзга келишининг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриш юзасидан тақлиф ва тавсияларини берди.

Йилгилишда Солиқ қўмитаси раҳбари ва ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари ба-жарилиши юзасидан ахбороти ҳам эшитилди.

Маълум қилинганда, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг самарадорлик кўрсаткичлари 21 мезон бўйича баҳоланган. Депутатлар қўмита раҳбариятининг 2026 йилги самарадорлик кўрсаткичларига аширин иш ўринларини легаллаштириш ҳисобига даромад солиғи тўловчилар сонини ошириш мезони янгидан киритилганига эътибор қаратди.

Шу билан бирга, самарадорлик кўрсаткичларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, акциз солиғи прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, "яширин иқтисодиёт"нинг улушини кескин қисқартириш босқисида ишларни янада жадаллаштириш ҳамда барча солиқ турлари прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида бажариш масалалари депутатларнинг доимий назоратида бўлишига келишиб олинди.

Эшитиш якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йилгилишида Адлия вазирлиги раҳбариятининг 2025 йил учун белгиланган самарадорлик кўрсаткичларининг (KPI) бажарилиши ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди.

Айтилганидек, Президентимизнинг "Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаш тизимига ўтилган бўлиб, бу давлат бошқарувида натижадорлик, очиклик ва шахсий масўулиятни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мажлисида Адлия вазирлиги раҳбарияти томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бир соҳа кесимида бажарилиши юзасидан депутатларга батафсил ахборот берилди.

Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мақбуллаштириш ва уларнинг сонини қисқартириш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини кенг жорий этиш, коррупцияга қарши эксп-пертиза ҳажмини ошириш, давлат хизматларини соддалаштириш ва рақамлаштириш, адвокатура, суд-экспертиза ҳамда интеллектуал мулк соҳаларини ривожлантириш, "jfo.gov.uz" тизими орқали ижро интизомини таъминлаш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш каби йўналишларда амалга оширилган ишлар эътибор марказида бўлди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда вазир ва унинг ўринбосарлари учун белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари тўлиқ бажарилган. Давлат хизматларини соддалаштириш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ҳажмини ошириш ҳамда ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш босқисида сезиларли натижаларга эришилган.

Қўмита аъзолари кўрсаткичларнинг нафақат белгиланган миқдорларига эришилиши, балки уларнинг сифатли бажарилиши ҳолатини аниқлаш муҳокама қилди. Хусусан, амалга оширилган ишларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликларга, ҳуқуқий муҳитини яхшилашига, бюрократик тўсиқларнинг камайишига таъсир юзасидан саволлар кўтарилди. Масўуллар томонидан афрофлича жа-воблар берилди.

Эшитиш давомида эришилган натижалар билан бирга, ечимини кутаётган айрим масалалар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш, тизимни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ВА БУНЁДКОР КУЧИ

Оқила ва фидойи аёл — жамият таянчи. У ўзининг сабр-тоқати, меҳнати ва меҳр-оқибати билан атрофдагиларга илҳом бағишлайди, Ватан равнақига улкан ҳисса қўшади. Шу маънода, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини юксалтиришга қаратилаётган эътибор тобора кучайиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

Акс садо

Кейинги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ислохотлар натижаларида юртимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳам улуши баланд, десак, айна ҳақиқат.



Шарҳнома тўловларини қоплаш механизмларининг жорий этилиши натижасида минглаб қизлар олий маълумот олиш имконига эга бўлди. Илмий фаолиятда ҳам аёлларнинг улуши ортиб, илмий даража ва унвонга эга мутахассислар орасида хотин-қизлар салмоқли ўрин эгалламоқда. Бу опа-сингилларимизнинг нафақат ижтимоий, балки интеллектуал салоҳияти ҳам давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Сиёсий фаоллик нўқтаи назардан ҳам ижобий динамикани кузатиш мумкин. Хотин-қизларнинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги улуши халқаро тавсияларга мос даражага етгани уларнинг давлат ва жамоат бошқарувидаги ролини кучайтиришга йўл очмоқда. Бу кўрсаткич нафақат рақам, балки қарор қабул қилиш жараёнида аёллар овози ҳамда манфаатлари инобатга олинаётганининг амалий тасдиғидир. Натижада жамиятда ижти-

моий адолат, очиклик ва инклюзивлик тамойиллари янада мустаҳкамланаётди. Ўз навбатида, Қонунчилик палатасида аёл депутатлар ижтимоий-сиёсий соҳа, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, оила, таълим ва соғлиқни сақлаш қаратилган муҳим қонунларни яратишда, шунингдек, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтиришда фаол иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун аёллар нафақат оила бекаси, балки иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан ва жамият ҳаётининг барча жаҳасида фаол иштирокчига айланмоқда. Энг муҳими, хотин-қизлар нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, уларнинг кадр-қиммати ва шаъни давлат сиёсати даражасида ҳимоя қилинмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи тизимли ва институционал асосда йўлга қўйилган. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича миллий механизмлар яратилиб, бу борадаги ишлар аниқ мақсадли дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг бандлик даражаси барқарор ошиб бормоқда. Касб-хунарга ўқитиш марказлари орқали ўн минглаб аёллар замонавий касбларга эга бўлиб, меҳнат бозорида ўз ўрнини топомқда. Айниқса, ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш, тикувчилик, хунарандчилик ва қишлоқ ҳўжалиги йўна-

лишларида аёллар тадбиркорлиги кенг қулоч ёймоқда. Ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётгани хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, оила-лар фаровонлигининг ошиши ва камбағаллик даражасининг қисқаришига бевосита таъсир кўрсатаётди.

Шунингдек, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, уларни реабилитация ва ижтимоий мослаштириш бўйича махсус марказлар фаолияти йўлга қўйилгани, "ишонч-бейфонири" ва ҳуқуқий маслаҳат хизматлари ташкил этилгани аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтирди. Профилактика ишлари, маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ва оилавий кадрларни мустаҳкамлашга қаратилган дастурлар жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга қўшимча таъқим ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони аёллар ва болаларга нисбатан таъқим ва зўравонликка мутлақо муросасиз муносабатини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Бинобарин, унда зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш босқисида мутлақо янги ёндашув, му-

хим чора-тадбирлар белгиланмоқда. Мақсад зўравонлик оқибатларини бартараф этиш билан бирга унинг олдини олишга қаратилган профилактик тизимни кучайтиришдир.


Умуман олганда, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида хотин-қизлар жамиятнинг фаол бунёдкор кучига айланмоқда. Уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ҳар бир аёлнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий адолат ва инсон қадрини улуглаш тамойилларининг ҳаётга изчил таъқим этилаётганидан далолат беради.

Кунни кеча давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони бинаоан "Дўстлик" ордени билан тақдирланиши ҳам айнан юқорида қайд этилган кенг қўламли ислохотлар самараси, хотин-қизларга билдирилаётган юксак ишонч ҳамда эътиборнинг ифодаси, деб биланам. Билдирилган ишончини оқлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгила-ниш жараёнларида фаол иштирок этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзимнинг энг устувор вазифам, деб ҳисоблайман.

Борно БЕРДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Дўстлик» ордени соҳибни.

МАЪНАВИЯТ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ЗУҲРО ЮЛДУЗИ»

“Бу асар оддий воқеалар солномаи эмас, балки Ўзбекистон давлати раҳбарининг халқлар ўртасида инсонийлик, тинчлик ва ҳамкорлик тамойилларини мустаҳкамлаш бўйича илгари сурган глобал ташаббусларнинг жаҳон мамлакатлари келажиги учун қанчалик муҳим ва стратегик аҳамиятга эга экани ҳақидаги терең мушоҳададир. Зеро, бугунги Ўзбекистон нафақат буюқ ўтмишининг вориси, балки инсоният ҳаётида ижобий ўзгариш яратётган тарихий ташаббуслар манзил-мақони ҳамдир”, дея эътироф этади мақола муаллифи.



Хусусан, “Ал-Вефак” нашриётининг бош директори доктор Абдул Мустафа Абуднинг сўзларига кўра, “Шу кунларда Яқин Шарқда содир бўлаётган қонли моjarолар дунё ҳамжамиятини яна бир бор жиддий ўйга толдириди. Бу воқелик Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлар томонидан илгари сурилатган халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч, тотувилик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган глобал ташаббусларнинг нақадар долзарб ва умумбашарий аҳамиятга эга эканини яққол намоён этмоқда”.

Доктор Абдул Мустафа ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида “Мен шундай буюқ ва азиз инсон — Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сисъатга бағишланган мазкур китобнинг бизнинг нашриётимизда чоп қилинганидан беҳад хурсандман. Зеро, Ўзбекистон раҳбарининг эзгу гоъялари ҳамда ушбу мамлакат қадимий алломаларининг беназир маънавий мероси акс этган мазкур асарни дунё ахлига йўналтирилган эзгу бир мурожаат деб биламан”, дея ургўлайди.

Китоб муаллифи Аҳмад Зубайдийнинг сўзларига кўра, араб оламида Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сисъати катта ҳурмат ва эътибор билан кузатишмоқда. Бугун Марказий Осиёнинг қор юрагида абадий қадриятлар — ор-номус, инсон шаъни ва маънавий қамолат уна жонланмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари туфайли минтақа давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янги босқичга кўтарилмоқда. Зеро, глобал хавфсизликни таъминлашнинг энг ишончли йўли — бу қарама-қаршиликни чуқурлаштириш эмас, балки умумий қадриятлар ва муштарак манфаатлар атрофида биришарик.

Бугун Ўзбекистон давлати глобал равишда илм-фан, бағрикенглик ва маърифат гоъяларини илгари сурмоқда. Шу нуқтага назардан, давлат раҳбари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият, деб билувчи буюқ гуманист ўлароқ, шунингдек, асрлар давомида шаклланган маънавий анъаналар билан замонавий дунёвий давлат тамойиллари ўртасида мувозанатли таъминловчи Конституция қафили сифатида намоён бўлмоқда.

“Аниқ мисоллар орқали бугунги замонавий жамият шароитида ҳам маънавий қадриятлар фундаментал аҳамиятга эга эканини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Бу ёндашув замирида маънавийни фуқаролик жамияти ва маданиятлараро мулоқот тамойиллари билан уйғунлаштиришга қодир ижодкор куч манбаи сифатида англаш ётади. Бу ерда эътиқод ажратилиши омили эмас, балки биришув ва очкилик мақони сифатида намоён бўлади”, деб таъкидлайди асар муаллифи.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда исломнинг асл, инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларни тарбиялашда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази каби муассасалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда Президентнинг шахсий ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу даргоҳлар мамлакат тараққиётининг “Зуҳро юлдузи”га айланган. “Ишонманки, китоб халқлар ва маданиятлараро мулоқотга муносиб ҳисса қўшади ва тадқиқотчилар, дипломатлар, журналистлар, тадбиркорлар ҳамда буюқ гоъялар қандай қилиб илм-маърифат ва зиё орқали ҳаётда амалий ифода топаётганини кўришни истаган барча учун фойдали бўлади”, деб қайд этилади мақолада.

Муаллифнинг сўзларига кўра, ушбу китоб Ўзбекистонлик арабшунослар билан яқин ҳамкорликда ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда.

Дилноза ҚАЮМОВА,
сисъатшунос.

ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАШАББУСЛАР

Биз бугунги шижоатли ўғил-қизлар тимсолида улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўраемиз. Бу шунчаки ҳавойи гап эмас, балки мамлакатимизнинг эртанги кунни, тараққиёт суръати ҳамда глобал майдондаги нуфузини белгилайдиган хал қилувчи омилдир.



Фикр

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшлари билан учрашувда илгари сурилган гоъя ва ташаббуслар ҳар бир зиёли, педагог, соҳанин ҳар бир масъули олдида турган устувор вазифаларни янада аниқ тарзда белгилаб берди. Уларни изчил амалга оширишни биз ўз фаолиятимизнинг бош мезони, муҳим стратегик йўналиш деб биламиз.

Мулоқотда айтилган факт ва рақамлар ёшларимиз салоҳиятини нақадар юксак эканини яна бир далили бўлди. Хусусан, кейинги йилларда ўғил-қизларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритган. Дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида 500 нафардан кўп ёшларимиз тахсил олаётгани, “ТОП — 100” талик олийгоҳларда эса 3,5 миңдан зиёд йигит-қизларимиз ўқитгани ҳам мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий самараси. Айниқса, хорижий тил сертификатига эга бўлган ёшлар сони 600 миңдан ошгани, 72 миң нафар малякали инструктор шаклланиб бориши ва таълимнинг иқтисодлаштирилган олий таълим муассасалари педагогик жамоаси учун алоҳида маъсулият юклайди. Бу тил ўрганишга эҳтиёж ва қизиқишнинг бекинган ортанидан, жамиятда беким ҳамда компетенцияга талаб кўчалганидан далолат. Хусусий ўқув марказлари сонининг уч барбар кўпайиб, 38 миңдан ошгани ҳам айни шу жараённинг мантикий натижаси.

Авалло, “Менинг биринчи касбим” дастури доирасида битирувчилар ўртасида танлов асосида стажировкалар ташкил этилиб, уларга ойига 2 млн. сўмгача стипендия тўлиниши ёш мутахассисларнинг меҳнат бозорига тез ва самарали мослашувини таъминлайди. Бу назария ҳамда амалиёт интеграциясининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Шу билан бирга, “spin-off” корхоналари ва инновацион лабораториялари ривожлантириш масаласида алоҳида эътибор қаратилади. Эндиликда олийгоҳ ва техникумларда ўқувчиларнинг стартап лойиҳалари учун 1 млрд. сўмгача маблағ ажратилиши илмий гоъяларни реал иқтисодий маҳсулотга айлантириш имконини беради. Бу эса таълим муассасасини билан берувчи маскандан инновацион марказга айлантириш йўлида муҳим қадамдир.

Яна бир масала — бу таълим аламуши ва ижтимоий масъулият. Қўқон университети ҳамда Ташкент аграр университетининг эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепул

ўқитиш, дуал таълим тизимини йўлга қўйиш борасидаги таърибаси биз учун ҳам намуна бўлди. Институтимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун кўпала шароитлар яратилган, аммо хорижий тилларни бепул ўқитиш кўламини кенгайтириш масаласини энди режалаштиряемиз.

Бандлик — Институт стратегиясининг ажралмас қисми

Навқирон авлод бандлиги ва тадбиркорлиги масаласи институт стратегиясининг ажралмас қисмига айланмади. Президентимиз томонидан ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 млн. доллар ажратилиши, ўзини ўзи банд қилганлар учун кредит миқдорининг 300 млн. сўмгача оширилиши, “Келажак тадбиркори” дастури доирасида 7 йил муддатга 15 фоизли кредитлар берилиши, инновацион стартапларга 100 миң долларгача инвестиция киритилиши ёшлар ташаббусини реал иқтисодий кучга айлантиришга қаратилган тарихий қарорлар бўлди, десак, аини ҳақиқат.

Бизнинг вазифамиз — талабалар орасидан ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланадиган, рақобатбардош янги авлод тадбиркорларини тарбиялашдир. Гарвард ва Стенфорд каби етакчи олийгоҳлар таърибаси асосида 40 миң нафар йигит-қизни бизнес соҳасида ўқитиш режаси белгиланган экан, бу жараҳиларнинг стартап лойиҳалари учун 1 млрд. сўмгача маблағ ажратилиши илмий гоъяларни реал иқтисодий маҳсулотга айлантириш имконини беради. Бу эса таълим муассасасини билан берувчи маскандан инновацион марказга айлантириш йўлида муҳим қадамдир.

Яна бир масала — бу таълим аламуши ва ижтимоий масъулият. Қўқон университети ҳамда Ташкент аграр университетининг эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепул

ўқитиш, дуал таълим тизимини йўлга қўйиш борасидаги таърибаси биз учун ҳам намуна бўлди. Институтимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун кўпала шароитлар яратилган, аммо хорижий тилларни бепул ўқитиш кўламини кенгайтириш масаласини энди режалаштиряемиз.

Рақамли трансформация — замон талаби

Сир эмас, рақамли трансформация сиз кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бу — замон талаби. Сунъий интеллект асосидаги тил ўрганиш платформалари, электрон таълим тизимлари ва рақамли портфолиоларни жорий этиш орқали талабанинги билим ва кўникмалари шаффоф баҳолаштирилади, битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозорига чиқиш имконияти кенгайди. Бу борада ҳам истиқболли режаларни белгилаб олдик.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, “ТОП — 300” таликка кирган етакчи университетлар билан қўшма дастурларни йўлга қўйиш, академик мобилликни ривожлантириш орқали Самарқанд давлат чет тиллар институти минтақадаги етакчи тил ўргатувчи олийгоҳлардан бирига айлантириш олдимида турган устувор мақсадлардандир.

Президентимиз олий таълим тизимида янги таърифлар, янги таърифлар ва янги натижаларни кутомоқда. Биз ана шу талабни бажариш, юксак ишончлини оқлаш, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларни Янги Ўзбекистон раёнақига муносиб ҳисса қўшадиغان етук мутахассислар этиб тарбиялаш йўлида барча куч ҳамда имкониятимизни сафарбар этаемиз.

Баҳодир ХОЛҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори,
профессор.



ЮКСАЛИШ ВА МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Урганч — Хива оралигида Ўзбекистондаги илк пуллик йўл қурилиши жадал кетмоқда

Йўллар... Инсон яралибдики, унинг умри, тақдири турли-туман, катта-кичик, паст-баланд йўллар орқали ўтиб боради. У қадам қўйган, юзланган йўллар унинг орзу-мақсадларига ҳамоҳанг тарзда янгиланади, кўркамлашади. Бу йўллар алақоқибат инсон ҳаёт китобининг зарварларига айланади.

Йўллар мамлакатлар тараққиётида, кишилар турмуш даражасининг юксалишида алоҳида мазмун касб этади. Кенг ва равон йўллар нафақат одамларнинг узогини яқин қилади, балки эллар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожига ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Бугунги шиддатли эвришиллар палласида шаҳарларни бир-бирига боғлаётган янги инфратузилма — тараққиётнинг қон томири, шу билан бирга, улар жамиятни улкан мақсадлар йўлида бириштирадиган вазифага айланмоқда. Йўл инсонларни манзилга етказибгина қолмай, янгидан-янги имкониятлар эшигини очувчи омил ҳамдир. Қайси ҳудудда йўл яхши бўлса, ўша ерда савдо-сотик ривожланади, иқтисодий юксалиди, иш ўринлари кўپаяди, турмуш фаровонлиги ортади, эл-улус кайфияти чоғ бўлади.

Замонавий инфратузилма тараққиётида пуллик йўллар алоҳида ўринга эга. Бу фақат ҳаракат учун ўлов эмас, балки сифат, хавфсизлик ва тезлик кафолати ҳам. Бундай йўллар орқали Давлат бюджетига ортиқча юк қамаяди, йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари эса барқарор молиялаштирилади.

“Ўзбекистонда биринчи пуллик йўл Хоразмда қурилди”, деган мишмишлар бугун айни ҳақиқатга айланди. Урганч — Хива йўналишида узунлиги 35 километр бўлган янги йўл қурилиши жадаллик касб этмоқда. Жами қиймати 120 млн. долларлик лойиҳа асосида бунёд этилаётган кўприклар, йўлўтказгичлар, туннель ва махсус ўтиш жойлари мазкур йўлнинг замонавий стандартларга жавоб берадиган ўзига хос архитектурасини яратмоқда.

рифи чоғида “Янги Ўзбекистон” масъулият аҳоли билан учрашувда “Мен бу кунларни орзу қилганман, бу менинг армонларим эди”, деган сўзлари бизни ниҳоятда тўлқинлантирди. Бугун қанчалик қийин бўлмасин, мамлакатни обод этиш йўлидаги тинимсиз ҳаракатлар ана шу армонларнинг ушалаётганидан гўзал бир нишонча рамзи сифатида намоён бўлмоқда.

Уйимиз Урганч — Хива йўлининг бошланги нуктасига яқин жойлашган. Ҳар кун бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, завқимиз ошади. Улуғвор бунёдкорликлар кўз ўнгимизда рўй бериб турса, бу ажиб лаҳзаларнинг беихтиёр шоҳиди бўлсанг, замин нигоҳларинг олдида янгилашиб борса — бунинг шуқуҳини таърифлашга тил ожиз!

Уртимиздаги очкилик сисъати, туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар натижасида “Очиқ осмон остидаги музей” деб ном олган қўнжа Хива буюқ нафақат хорижий сайёҳларга, балки нуфузли давлат раҳбарларига ҳам мезбонлик қиладиган ўзига хос мегаполисга айланади. Биргина ўтган йил давомида қарийб 2 млн. хорижий сайёҳларни қабул қилди. Кейинги йиллар давомида Марказий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарлари, шунингдек, қатор хорижий мамлакатлар етакчилари бу мақсадга заминга ташриф буюриб, миң йиллик тарих билан озулашди.

Бугун Урганч — Хива шаҳарларини ўзаро боғлаб турган йўл бор. У 2017 йилда мукамал таъмирланди. Аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши, даромадининг кўпайиши, қолаверса, санаот ва иқтисодийётнинг жадал ўсиши йўллардаги қатнов ҳажмини кескин оширди.

Шунингдек, бу йўналишда транспорт оқими ортиб, тирбандликлар юзага кела бошлади. Бугун тамал тоши қўйилган пуллик йўл шу босиқ ҳам вақт ва ҳаёт заруратига айланади. У мавжуд инфратузилманинг муқобили сифатида бунёд этилмоқда.

Лойиҳанинги кўлами ҳам бугун тилларда дoston. Замонавий тўрт тасмали

нанд равишда Урганч халқаро аэропортдан тўртдан-тўртга Хивагача қатнайдиган замонавий электрлаштирилган темир йўл ҳам барпо этилмоқда. Мазкур лойиҳанинги умумий қиймати 18 млн. доллардан ортиқ бўлиб, ҳар бир километри замонавий стандартлар асосида амалга оширилияти. Янги темир йўл тармоғининг умумий узунлиги 10 км.

■ 120 млн. долларлик лойиҳа асосида бунёд этилаётган ушбу илк пуллик Урганч — Хива йўлининг узунлиги 35 километр.

■ Замонавий 4 тасмали йўл асфальт-бетон қопламаси асосида барпо этилади ва ўтказувчанлик қуввати бир кеча-кундузда 20 миң гдан ортиқ транспорт воситаларини ташкил қилади.

■ Лойиҳа доирасида 17 та кўприк, 8 та йўлўтказгич, 1 та туннель, 5 та махсус ўтиш жойи барпо этилади. Минглаб метр коммуникация тармоқлари, юзлаб муҳандислик иншоотлари қурилади.

йўл асфальт-бетон қопламаси асосида барпо этилади. Унинг ўтказувчанлик қуввати бир кеча-кундузда 20 миңдан ортиқ транспорт воситаларини ташкил қилади. Лойиҳа доирасида 17 та кўприк, 8 та йўлўтказгич, битта туннель, бешта махсус ўтиш жойи барпо этилади. Минглаб метр коммуникация тармоқлари, юзлаб муҳандислик иншоотлари қурилади.

850 метрни ташкил қилади. Шунингдек, Шовот канали устида ҳам замонавий кўприк қурилиши жадал давом этмоқда.

Бугун хоразмликлар бекисё ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқда. Ахир бундай улкан бунёдкорлик ишлари аввал ҳаёнда ҳам йўқ эди. Халқимиз кўз ўнгига бунёд этилаётган пуллик йўл, электрлаштирилган темир йўли, кўприк каби йирик муҳандислик иншоотларининг

қурилиши воҳа ҳаёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инфратузилмадир. Йўллар иқтисодий самардорликка ҳам хизмат қилади. Тезкор магистраллар орқали юк ташиш муддати қисқаради, логистика харажатлари қамаяди. Бу эса мамлакатимизда ривожланиб бораётган тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёйишига самарали таъсир кўрсатади.

Пуллик йўл — замонавий тараққиёт белгиси. У сифатли хизмат, хавфсиз ҳаракат ва иқтисодий юксалишни таъминлайди. Энг муҳими, мамлакат инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқади ва келажак учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Донишманд халқимизда “Йўлга чиққан — мақсадга яқин”, “Йўллар равон бўлса, орзулар яқинлашади”, “Йўлнинг равон бўлсин” деган пурмаъно ҳикमतлар бор. Йўлнинг ёруғ, равон, текислиги инсон толенининг сарбаланд бўлишига уйғунлиги ҳаётий ҳақиқат.

“Кўнгли очкининг йўли очик”, дейди доноларимиз. Бугун Ўзбекистон кўнгли очик, қўли очик давлат ўлароқ ўзидан ортиб, узоқ-яқин давлатларга ҳам кўмак кўларини чўзмоқда. Ўзбекистон яратувчи, бунёдкор юрт сифатида жаҳон минбарига ўз сўзини айтмоқда. Шарқда азалдан йўл қуриш, борини обод этиш қадрият даражасига кўтарилган. Бугун бу қадрият маънавий бурча, ифтихор ва шараф тимсолига айланди.

Яна шу нарса дилга фахр бағишлайди, барпо этилаётган Урганч — Хива инфратузилмаси — юксалиш йўли, маърифат йўли, фаровон ҳаёт йўли бўлиб келажак авлодларга ҳам асқатади. Удаланаётган эзгу амаллар, улуғвор бунёдкорликлар келажакка киритилаётган сармоядир.

Шубҳасиз, юсти қурилаган йўл ҳам давлатимиз мутақиллигининг кулгўл 35 йиллик тантанаси арафасида Хоразм ахлига муносиб туҳфа бўлиб тарих китобига битилмақ. Бу йўл — Янги Ўзбекистоннинг янги йўли!

Бу йўллар шон бўлиб киргай қалбларга, Эзгулик завқига яшнагай йўлар. Яратмоқ — соодат, яратмоқ бахтдир, Элларни элларга боғлагай йўлар. Бу кунларнинг, не бахт, ортар шуқуҳи, Армон тўла диллар нурга тўлгайдир. Йўллар обод бўлса, юксалгай эл ҳам, Ватан равнақ топиб, обод бўлгайдир!

Сайёра САМАНДРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
«Шуҳрат» медали соҳибчи.

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Юзингиздан нур олар дунё

Анвар ТҲИЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси:



қадам кўйганимдаги ҳаяжонни, имтиҳонлар олдида дуо қилиб кузатганимни, ҳар бир ютугимдан кўзларингиз ёшларингизни қувонганимни ҳеч қачон унутмайман. Сиз ҳар бир муваффақиятимни тиришқоқлимдан, интилувчанлигимдан деб билдингиз ва бундан фахрландингиз.

— Она деган сўзингизда бутун бир олам муҳаббат. Унда меҳр бор, унда сабр бор, унда фидойилик ва куч бор. Она — фарзанди учун ўзини аямайди, унинг бахтини ўз бахтидан устун кўяди, ҳар қандай синовга бардош берадиган муқаддас зот.

Байрам сабаб онажонини кутлашга минбар берилган экан, шу сўзларни айтмоқчиман: мен учун сиз энг фидойи, меҳрибон онасиз! Болалигимдан кўлимдан етаклаб юргангиз, ҳар бир қадамимни қувватлаб, ишонч бағишлаганингиз, хато қилсам, меҳр билан тўғри йўл кўрсатганингиз буларнинг барчаси бугунги камолотимнинг асосидир. Илк бор мактаб остонасига

Аслида эса буларнинг барчаси сизнинг беминнат хизматингиз, сабру матонатингиз ҳосиласидир.

Сиз менга нафақат ҳаёт ато қилдингиз, балки менга ҳаётда инсон бўлишни ўргатдингиз. Энг қийин дамларда ҳам “Онамнинг дуоси бор”, деган ишонч менга куч бағишлайди. Ҳаёт синовларида чарчаган пайтларда сизнинг дуоларингизни ўйлаб, яна қадам ташлашга қувват топаман. Чунки она дуоси — бу энг кучли паноҳ, энг муштаҳам қалқон.

Сиз — хонадонимиз устунисиз. Нур ёғилиб турган юзингиздан таралган табассум уйимизга нур сочади, сўзларингиз қалбимизга ором беради. Сизнинг борлигингиз — энг катта бахт, энг катта бойликдир!

«Оқ Женис» деб эрқалатарди

Женисбек ПИЯЗОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти:



чиқишларимдан онамнинг юраги фаҳрга тўлганини доим ҳис қиламан. Шу инча меҳр ва чексиз меҳрибонлик ҳамиша масъулиятли бўлишга ундайди.

— Опера йўналишида ижод қилишнинг ўзига яраша залвари бор. Бу санъат бутун дунёда маданиятнинг гулгоҳидир. Санъаткорлар оиласида туғилганим учун халқаро сахналарда, дунёнинг энг машҳур санъат саройларида яққол концертлар беришимда онамнинг ҳиссаси бекиёс.

Эсимда, волидам рўзгор юкини елкасига ортиб, ҳеч қандай кам бўлмастимиз учун бир вақтнинг ўзиде бешта жойда ишларди. Ўзи моҳир гижжакчи. Онамнинг чалган куйларида нафақат мусиқа, балки келажакка юксак ишонч бор эди. Тинимсиз меҳнат қилиб ҳам юзиде табассум билан уйга қайтганлари — мен учун ҳаётдаги энг катта матонат дарси бўлган.

Табиятдан қорақалпоқ аёлларининг меҳру муҳаббати сирли, сукутда, дуода, амалда. Ҳадеб “болам” деб бағрига босиб, тинимсиз эрқалаб, мақтамаси ҳам улкан ютуқларимдан, телевизорда

воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимда биргалликда бозорга бордик. Бир араванинг ёнида “Шу ерда култур, ҳозир келаман” деб қолдирди. Орадан анча вақт ўтди, беш-олти соатлар кутдим. Охири хавотир билан уйга борсам — онам уйда, бемалол ўтирибди. Билсам, бозорда бир қадрдон дугонасини учратиб, гурунгда берилиб мени эсдан чиқариб қўйибди. Онамнинг соддалиги ва самимийлигидан ҳалигача хайратга тушаман. Оилада тўрт ўғил, икки қизимиз. Мақтаншига йўймангу болалиқдан онамнинг меҳри менга бўлақча эди. Ўзим қорамағиз бўлсам ҳам, эрқалати “Оқ Женис” дерди.

Баҳор — аёл зотиға хос нафосат, назокат ва янгиликнинг рамзи. Бу фаслнинг илк байрами — 8 март арафасида қалбимдаги энг самими сўзларни онажоним — Инжигул Сабуроваға ва юртимизнинг барча мунис аёлларига изҳор этаман!

«Сиз онамга ўхшайсиз!»

Рихси ИБРОҲИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Она — мўътабар зот! Бу шарафга эга бўлиш осонмас. Саксон тўққиз баҳорни кутиб оляпман, етмиш бир йилдан бери театрда ишлайман. Юртимизнинг турли ҳудудларидан тинимсиз кўнғироқ қилиб, “Сиз онамга ўхшайсиз”, дейишади. Кўплари мактуб юборади. Ҳатто қамқоҳнадан Арслон деган бир йигит ярим йилча хат ёзиб, “Мен сизни онам деганман. Бу ердан чиқиб Тошкентга борганимда, албатта, сизни топаман. Болаларимнинг тўйида онам бўлиб туриб берасиз” деган гапларни айтган. Санъатнинг, маънавиятнинг кучи шу-да! Фаолиятим давомида турфа она-



лар сиймосини яратдим. Уларда она қалбининг сир-синоатга тўла жилваларини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Ролларим орасида юрагимга энг яқини “Дунёнинг ишлари”даги Она образи. Бу ролни меҳр-шафқатининг чеки йўқ, оила сирини кўчага чиқармаган андишали аёл — ўзимнинг Мукаррамхон онам қиёфасига кириб ўйнаганман. Нафақат менинг онам, балки

кўллаб ўзбек оналарига хос бўлган мушфиқлик, жонсараклик, болажонлик уфуриб тургани учун ҳам бу образни ҳалигача халқимиз эъзозлайди.

Ижодий учрашувларга борсам, “Менинг ўрғина болам” асаридан парчалар ўқиб беришимни сўрашади. Фафур Ғуломнинг бувисини ўйнаган бу ролимда уйига тушган ўғрига “Эл-юрт олдида бадном бўласан болам, уятинг бўлса, томан тушиб дарвозадан чиқиб кет, мен сени танимадим, кўрмадим”, деб ўғрини тўғри йўлга солиб юбораман. Бу — онанинг ҳақиқий қиёфаси. Ҳар бир ҳаракатида, сўзларида маҳалласига, кўни-кўшнларига, фарзандларига тарбия мужассам.

Ҳар бир ғалаба ортида яқинларим бор



Жавоҳир СИНДОРОВ, шахмат бўйича жаҳон кубоги соҳиби:

— Юртимизга баҳорий кайфият билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами кириб келмоқда. Ғўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган бу байрам биз учун жуда қадрли. Ҳар йили мазкур санада шахматда ўзимни тўлиқ намойен қилишга ёрдам берган, энг катта муҳлисини ва кўллаб-қувватловчим — онамга ҳаёлар улашишга шошиламан. Бугун Ватандан йироқда — Кипрда туриб мусобақада қатнашганим, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга интиляпман. Шу сабабли, табрик ва тилақларимни “Халқ сўзи” газетаси орқали йўллашга имконият берганингиз учун ташаккур.

Онажоним, Ҳафиза Синдорова! Сиз олий маълумотли бўлсангиз-да, ўз карьерангиз учун интилмай, биз, тўртала чемпионни тарбиялаш, оқ ювиб-оқ тараш учун ўзингизни фидо этдингиз. Бу йўлдаги заҳматларингиз ҳаққи мен ҳар бир мусобақада фақат ва фақат ғалаба сари ҳаракат қиламан.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Уйда одил ҳакам

Равшан ЭРМАТОВ, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти:



— Футбол — миллионлар уйини. Бугун кўллаб оналар фарзандининг машур футболчи бўлишини истади, ҳакам сифатида мендан бу борада маслаҳат сўрайди. Шу пайтларда онажоним кўлимдан етаклаб футбол майдонларига олиб борганини эслайман. Ҳар бир ютуғим ортида онамнинг дуолари турган.

Ҳакам сифатида жаҳон чемпионатларида, Осиё чемпионлар лигаси финалларида ва Осиё футбол конфедерацияси мусобақаларида қатнашганим, умуман, спортдаги узоқ йиллик муваффақиятли фаолиятим онамнинг тўғри тарбияси махсули, деб биламан. Болалиқдан меҳнат-севарлик, сабр-тоқат ва ҳалолликни айнан волидамдан ўрганганман. Онам — уйда одил ҳакам!

Юртимиз футболчилари мамлакатимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритгани замирида ҳам миллий терма жамоани аъзоларига омад тилаб, уларни кўллаб-қувватлаган онажонлар ва описингиларимизнинг орзу-истаклари мужассам. Бу, том маънода, улкан ғалаба бўлиб, халқимизга катта қувонч ва фахр бағишлайди. Ишонаманки, футболчиларимиз шу йил АКШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида муносиб қатнашиб, Ўзбекистон шарафини мардондор ҳимоя қилади. Оналари юзини янада ёруғ айлайди.

Факт ва рақамлар

• Ўзбекистонда аёлларнинг 64 фоизидан кўпроғи спорт билан шуғулланади.

• Жорий йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиниб, бунга 1 триллион сўм йўналтирилади.

• Ўқитувчиларнинг 71 фоизи ёки 401,3 минг нафари аёллардир.

• Ўзбекистонда тадбиркор аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони қарийб 44 000 тани ташкил этмоқда.

• Бу йил хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлашга 43 трлн. сўм маблағ йўналтирилади.



Хотин-қизлар орзу-интилишлари ифодаси

Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан хотин-қизларнинг ўз ижтимоий ва иқтисодий аҳолини идрок этиши, уларнинг умид ҳамда истиқболларига бағишланган кенг кўламли тадқиқот ўтказиб келинмоқда.

Ижтимоий сўров

Навбатдаги сўров маълумотлари бугунги кунда мамлакатимиз аёллари олдида барча эшиклар очилганини тасдиқлайди. Ижтимоий сўров натижаларига кўра, эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга эканлигига аксарият хотин-қизларнинг ишончи комил. Олинган маълумотлар ижтимоий ҳамда профессионал истиқболларни кенгайтириш, расмий тўсиқларни бартараф этиш ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини муштаҳамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини кўрсатди. Мамлакатда юриштилаётган гендер сибёсати хотин-қизларга ўзини ўзи тўла-

қонли рўёбга чиқариш, таълим олиш ва қарорларни эркин қабул қилиш имконини бермоқда.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, 63 фоиз респондент хотин-қизлар ўз оиласидаги асосий қарорларни эркаклар билан тенг равишда қабул қилишини билдирди. Аёлларнинг каттагина қисми ўзини молия, болалар таълими ва яшаш жойини танлаш каби масалалар муҳокамаида тўлақонли иштирокчи, деб ҳис этишини тасдиқлади.

Қолаверса, сўров натижалари жамоатчилик фикрида хотин-қизларнинг профессионал фаолиятда фаол қатнашиши кераклиги ҳақидаги тасаввурнинг устуворлик қилишини аниқлади. Респондентларнинг аксарияти хотин-қизлар ҳақ тўланадиган

домий ишга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, иш билан бандлик аёлининг ўз шахсий танлови бўлиши кераклигини айтишди.

Сўров натижалари хотин-қизларнинг профессионал ўсиш ва ўзини ўзи рўёбга чиқаришга бўлган катта қизиқишини акс эттиради. Билимлар бўйича энг катта танқислик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида кузатилади. Респондентлар хусусий ишни юритиш асосларини ўзлаштириш ҳамда бизнесни боқариши соҳасидаги билимларни оширишга интилишини намойиш этган.

Долзарблиги бўйича иккинчи ўринда шахсий ва оилавий бюджетларни боқариш учун ҳам, шунингдек, инвестиция ва маблағларни тежаб-тергаш учун ҳам муҳим бўлган молиявий саводхонлик туриши аниқланди. Хотин-қизларнинг ахборот технологияларига қизиқиши, рақамли кўникларига эгаллашга интилиши юқори. Айни чоғда, хотин-

қизлар психология ва ўзини ўзи рўёбга чиқаришни ўрганишга ҳамда коммуникатив кўникларни ривожлантиришга эҳтиёжларини ифода этишди. Шу билан бирга, тадқиқот сўралган 72,3 фоиз хотин-қизларда касбий ва таълим бўйича қизиқиш оиласи томонидан юқори даражада кўллаб-қувватланишини кўрсатди.

Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг аксариятида келажакка ва ижобий ўзгаришларга ишонч юқори. Улар ривожланишга интилиб, янги имкониятлар, танлов эркинлиги ҳамда жамиятда ўз ролининг кучайишини кўрмоқда.

Сўров маълумотлари хотин-қизларнинг молиявий мустақиллик ва мартаба имкониятларини кенгайтиришга интилишини аниқлади: сўралганларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 52,6 фоизи таълимни давом эттириш истагини, 51,9 фоизи тадбиркорлик фаолиятини манфаатдор эканини билдирган. Бирок кўнчили-

да бизнес ва молия соҳасидаги билимларнинг етишмаслиги ихтисослаштирилган таълим ташаббусларига эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Тадқиқотдан шу аён бўлдики, Янги Ўзбекистоннинг замонавий аёли оила, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этиб, аънаваный қадриятлар ҳамда янги имкониятларини ишончли тарзда мужассамлаштиради.

Тадқиқот натижалари хотин-қизларнинг орзу-интилишлари оламига нигоҳ ташлаш, Ўзбекистоннинг замонавий аёли мулоҳаза-ўйларини чуқурроқ англаш ва билиш имконини беради. Хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш, шахсий ва касбий жиҳатдан ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган самарали ижтимоий, иқтисодий ва гендер сибёсатини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

«Umga plus» дастури доирасида Малайзия ва Индонезиядан мамлакатимизга жалб қилинган сайёҳлар учун маҳаллий туроператорларимизга 100 АҚШ доллари миқдориде субсидия берилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.31 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши